ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT HÁM TURIZM MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ NÓKIS FILIALÍ

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

ilimiy-metodikalıq jurnal

MUSÍQA VA SAN`AT AXBOROTNOMASI
Ilmiy-uslubiy jurnal
ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА
Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART
Scientificmethodical journal

№ 1

SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filialı

Bas redaktor: – Allanbaev Rudakiy, professor w.w.a
Bas redaktor orınbasarı: – Kamalova Dilfuza, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD)
Juwaplı xatker: – Gúlmira Palwanova

REDKOLLEGIYA AǴZALARI:

Omonilla Rizaev – Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyatı institutı, professor w.w.a.
Hikmat Rajabov – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filialı, professor w.w.a.
Sayyora Ǵafurova – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası, professor
Oydin Abdullaeva – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası, professor.
Qurbanbay Jarimbetov – Qaraqalpaq mámleketlik universiteti, professor.
Alima Berdimuratova – Qaraqalpaq mámleketlik universiteti, professor.
Ziyada Bekbergenova – ÓzR IA Qaraqalpaqstan bólimi, professor.
Oqilxon Ibragimov – Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat institutı, professor.
Azizbek Turdiev – Ózbekstan Respublikası Oliy Majlis Senatmn jaslar, mádeniyat hám sport máseleleri komiteti baslıǵı orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).
Allanazar Ábdiev – Filologiya ilimlerinin kandidatı, Qaraqalpaqstan Respublikası xalıq jazıwshısı
Artıqbay Erejepov – Nókis qalalıq 1-sanlı balalar muzıka hám kórkem óner mektebi, pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).
Janabay Marziyaev – Qaraqalpaq mámleketlik universiteti, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD), docent.
Iroda Mirtalipova – ÓzMK janındaǵı B.Zokirov atındaǵı MEKÓI, kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).

JÁMIYETLIK KEŃES:

Baxtiyor Sayfullaev
Ozodbek Nazarbekov
Komoliddin Urinbaev
Dawıtbay Qurbaniyazov
Qalbay Turdiev
Najimatdin Muxameddinov
Najimatdin Ansatbaev
Gúlistan Annaqlicheva
Rayxan Saparova
Paraxat Mamutov

ISSN — 2181-4112

MAZMUNİ

Алланбаев Р. Миллий мәдеииятымызды раўажландырыў жолында және бир қәдем 3

MUZİKATÁNİW

Мамутов П.А. Замангөй музыка тәлим системасын жетилистириўде руўхыйлықтың орны 5
Пахратдинов Ш. Работа над произведением крупной формой 10
Sayidov T. D. Xonandalik ovozining fiziologik va akustik xususiyatlari 14
Мирталипова И.М. Ҳинд мусиқа назариясидаги товушқатор структураларига бир назар 16
Raimova D.M. O'rta Osiya musiqa cholg'ularining paydo bolish tarixi 20
Расулов М.М. Мусиқа, теле ва радио дастурларнинг муҳим компоненти ва композицион омили сифатида (тембр, темп, ритм, импульсивлик мисолларида) 23
Matyakubova U.G'. V-XV asrlar markaziy Osiyada musiqa madaniyatining nazariy asoslari 28

KÓRKEM ÓNER

Ражабов Ҳ.Ж. Арсланбай Нажимов ижодига бир назар... 33
Matimuratov S.E. Qaraqalpaq kompozitorı Kenesbay Abdullaev dóretiwshiligi haqqında 35
Qutekeeva R.A. Qaraqalpaq kórkem ónerinde Ilish Xojametovtıń tutqan ornı 39
Allaniyazov B.Q. Muzıka kórkem ónerinin bayteregi *(Kompozitor Najimatdin Muxammeddinovtıń ómiri hám dóretiwshiligi haqqında)* 44
Чаршемов Ж.А. «Қоблан» балетининг композицион хусусияти 48
Абдуллаева Ш.С. Труд все побеждает 57
Abatbaeva R.A. Qaraqalpaq kórkem ónerinde kompozitor Gayıp Demesinovtıń tutqan ornı 61
Палўанова Г.А. «Аязий» драмасында қаҳарман характерин сәўлелендириўдиц өзине тән қәсийетлери 65
Палўанова Г.А. Қарақалпақстанда театр режиссурасының пайда болыўындағы миллий дәреклер 68
Muxammeddinov Q. Milliy opera hám balet janrdagı tariyxıy shıgarmalar 71
Parmonov D.R. «Doira va urma zarbli cholg'ulari» musiqa san'atining yorqın namoyondasi 75
Каримова И.И. Традиции испольнения музыки Каракалпакского композитора Гаип Демесинова 78

ATQARİWSHİLİQ ÓNERI

Erejepov A.A. Baqsıshılıq kórkem ónerinde dóretilgen qosıq hám namalarını jaslar tárbiyasındagı áhmiyeti 83
Tnıbaev P.K. Dirijyorlıq kórkem ónerinin túrleri hám evolyuciyası 87
Шарипова А.Р., Сидикова А.М. К вопросу о фортепианном исполнительском искусстве в Узбекистане 92
Ayubov K.Z. Foniologiya va odam ovozi tasnifi 95
Ziyovutdinova Z.U. XIX asrning ikkinchi yarimida o'zbek xalq cholg'ulari ijrochiligi sohasidagi jiddiy o'zgarishlar 98
Dadaboyev X.M. Xalq cholg'ulari ansambllarini tashkil etish 100
Aliev N.G. Demli saz ásbaplar tariyxı, klassikalıq muzıka hám onıń búgingi kúndegi tutqan ornı 102

Saidxonov A.S. Cholg'u konsert janrı tarıxı va taraqqiyoti 105
Jumabaev A.E. Qaraqalpaq kórkem ónerinde xalıq namalı qosıqlarınm tutqan orm 110

MUZİKA PEDAGOGIKASİ

Xojanazarov T. Vokal pedagogikasındağı metodlardı zamanagóy pedagogikaga aylandırıw usılları 115
Ходжаметова Г.И. Задача обучения, воспитания и развития детей в музыкальной школе 117
Botirova X.T. Musiqa ta`limi pedagogikasida o`quvchi yoshlarni ma`naviy-axloqiy ta`lim-tarbiyasini shakllantirish 121
Saidumarov I. Ta`lim-tarbiya va shaxsning ma`naviy kamoloti xususuda sharq allomalarining qarashlari 124
Абдисултанов Ж.Дж. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида «Мусиқа адабиёти» фанини ўқитишда инновацион ёнлашув 128
Матёқубов Э.Г. Мусиқада модулли таълим асослари 131
Najmetdinova N.I. Maktabgacha ta`lim tashkilotlarida bolalarning mustaqil musiqiy faoliyatining ahamiyati va mazmuni 137
Iseev R.A. Fortepiano páninin jáhán muzıka oqıw procesindegi áhmiyeti hám orm 141
Dauletbaev T.K. Milliy saz ásbaplarm mektep oqıwshılarma úyretiwdin áhmiyeti 145

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

Бекбергенова З.У. Қарақалпақ халық дәстаны «Қырық қыз» ҳәм ҳәзирги қарақалпақ драматургиясы 150
Утепова Т.Б. Маданиятлараро мулоҳот таҳлиллари Европа олимлари назарида 153
Жумашева А.Х. Интерактивные приёмы и формы проведения практических занятий 159
Саденова Г.П. Қарақалпақ паремиологиясында жақсылық концепти 163
Mambetnazarov M.K. Xoja Axmet Yassawiy hikmetlerinin jaslar tárbiyasındağı áhmiyeti 166
Марзияев Ж.К. Мақаланың публицистикалық сыпатламасы 169
Камалова Д.Э. Шыгарма композициясында турмыс шынлыгын сәўлелендириў шеберлиги 171
Мамбетназарова Р.К. Идейно-тематические особенности жанр путешествия в Каракалпакской литературе *(на примере «Путешествия в пять стран по океану» Тажена Изимбетова)* 175

JAS IZERTLEWSHILER

Paxratdinov J.A. Kóp qırlı talant iyesi 180
Jumamuratova A.A. Qaraqalpaqstanda Opera janrmın tutqan orm 181
Muratbaeva A.A. Jaslardın muzıkalıq intellektın asırıwda muzıka sınshısı Gúlmaryam Kamalovanın orm 185
Orazalieva G.S. Gúllengen dáwirde — Jana namalar (Jamil Charshemov dóretpeleri haqqında) 186
Segizbaeva G.Q. Qaraqalpaqstanda dáslepki muzıkalıq drama janrmın payda bolıwı 188

бир қанша қашық турыўы, дәстан курылысының ески қаҳарманлық дәстанларлары қара сөз бенен қосық араласып келетугын формадан узақласып, тек гана жыр-қосық қатарларынан ибарат болып келиўи — бул дәстанда сөзсиз жыраў-шайырдың қолы бар екенлигинен дәрек берип гурады» [1] деген пикир билдириў менен өзи дөреткен тарийхый музыкалы драмага да дөретиўшилик пенен қатнас жасап, усындай үлкен орталықты, үлкен тарийхый дәўирди ҳәм тарийхта жасаган, мысалы Хорезм ханы Елбарыс, XVIII әсирдеги қарақалпақ классик әдебиятын баслаўшы жыраў-шайыр Жийен Аманлық улын, қанжыгалы Бөгенбай батыр менен қарақалпақ Қылышбек батырды, Ташаўызлы Сейилхан Сейилбек батыр ҳ.т.б. айырым белгили тарийхый шахсларды тийкаргы ҳәм жанапай қаҳарман сыпатында алыў менен бирге айырым тоқыма образларды да киргизип, дөретиўшилик қатнас жасаганлыгы сезилип турады. Автордың бул драмалық шыгармасы ҳаққында белгили театр сыншысы Аманияз Жүзимбетов «Шыгарма көлеми жагынан да, ўақыялардың кеңлиги бойынша алымның бул дөретпеси көркем фильмге ылайық элементлерге огада бай, бул шыгарманы тайын киносценарий десек те болады ҳәм усы тийкарында «Қырқ қыз» батырлық эпопеясы фильмге (сүўретке) алынса огада үлкен утыс болар еди» [2.123] деп огада жоқары баҳалайды. Халық шайыры И.Юсупов «Тумарис» поэмасында, С.Баҳадырова «Томарис ҳәм Кир» повестинде, Ҳ.Утемуратова «Тумарис» романында, Г.Дәўлетова «Тумар қыз» дәстанларында ертедеги сак-массагетлердиң патшасы Тумаристи ҳәм «Қырық қыз» дәстанындагы Гүлайымның ерлик ислерин халқымызга үлги етип көрсетеди.

Минекей, биз көрип өткен бир гана «Қырық қыз» дәстаны бойынша XX ҳәм XXI әсир қарақалпақ драматургиясында үш драмалық шыгарманың дөретилип, сахна жүзин көргенлигин, ал айырымлары енди сахналастырыў алдында турганлыгын көрип өттик. Әлбетте, бул қубылыс халқымыздың руўхый ҳәм материаллық байлыгы есапланган ҳәм халқымыздың руўҳый санасынан белгили орын ийелеген халық дәстанының жыллар ҳәм әсирлер өтиўине қарамастан гөнерместен, жаңарып, жасап киятырганлыгын көрсетеди.

Пайдаланылған әдебиятлар:

1. Қарақалпақ халық дәстаны «Қырық қыз» ҳәм түркий тиллес халықлардың фольклорын изертлеў мәселелери. Халықаралық илимий-теориялық конференцияның тезислери. Нөкис, 10–12-сентябрь. Нөкис, 1997-жыл.
2. **Жүзимбетов А**. «Қырық қыз» дәстаны ҳәм оның сахналасыў тарийхынан. Әмиўдәрья журналы, №5, 2020-жыл. 119–125-бетлер.

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ ТАҲЛИЛЛАРИ ЕВРОПА ОЛИМЛАРИ НАЗАРИДА

Утепова Т.Б.

Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали

Аннотация. Маданиятлар тасирлашуви муаммоси, бошқа халқлар маданиятига қизиқиш билдириш тарихнинг ҳамма даврларида ҳам мавжуд бўлган. Муаммонинг илмий-методологик талқини шуни кўрсатадики, аксарият тарихчилар, файласуфлар замонавий тадқиқодчилардан фарқли ўлароқ, бу жараёнга ўзларининг ижобий баҳосини беради. Мақолада маданиятлараро мулоқотни яхлит тизим мазмунида ўрганишларнинг илмий методологик таҳлиллари берилган.

Калит сўзлар: маданият, маданий фаолияти ва уларнинг ўзаро алоқалари, анъана, қадрият, цивилизация, умуминсоний мезонлар.

Аннотация. Проблема влияния культур, проявление интереса к культуре других народов существовала во все периоды истории. Научно-методологическая интерпретация проблемы показывает, что большинство историков, философов, в отличие от современных исследователей, дают свою положительную оценку этому процессу. В статье представлен научно-методологический анализ межкультурной коммуникации в контексте целостной системы.

Ключевые слова: культура, культурная деятельность и их взаимодействие, традиция, ценность, цивилизация, общечеловеческий критерии.

Annotation. The problem of the influence of cultures, the manifestation of interest in the culture of other peoples existed in all periods of history. The scientific and methodological interpretation of the problem shows that most historians and philosophers, unlike modern researchers, give their positive assessment of this process. The article presents a scientific and methodological analysis of intercultural communication in the context of an integral system.

Keywords: culture, cultural activity and their interaction, tradition, value, civilization, universal criteria.

Жамият тараққиётининг ифодачиси, инсоният тафаккурини шакллантиришда асосий омил вазифасини бажарадиган маданиятни объект сифатида ўрганишга замонавий фалсафа катта эътибор бериб келмоқда. Чунки, ҳар қандай даврнинг моддий ва маънавий маданияти ўша даврнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий аҳволини белгилаб берувчи восита ҳисобланади. Инсоният ақл-заковати такомиллашувида, маънавий ва маърифий эҳтиёжлар ўсиб боришининг ривожланишида асосий омил бўлган маданият ва унинг ҳар хил аспектларини тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб масаласига айланиб бормоқда.

«Маданият мураккаб ва серқирра ҳодиса, дея таъкидлайди профессор А.С.Ачилдиев. Ҳар бири ўзига хос ривожланиш қонуниятларига, ички мантиқига эга, адабиёт, санъат, ахлоқ, халқ огзаки ижоди каби кўплаб ҳодисалар унинг турли соҳаларидир». Ушбу соҳалар ижтимоий тарихий ҳодиса сифатида даврий босқичлар тизимида ривожланиб боради. Ҳар бир миллат ва этник гуруҳлар ўзларининг тарихий босқичлари тажрибасидан келиб чиқадиган маданиятни ўзлаштирган ҳолда маданият соҳаларининг муайян реал шароитлар доирасида амал қилишига шарт шароитлар яратади. Шунингдек, бу миллатлар ўзлари мансуб бўлган маданиятни тарихий тараққиёт давомида ўзларининг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва феъл атворига хос элементлар билан тўлдириб, ривожлантириб борадилар. «Ҳар бир миллат ўзининг тили, бетакрор маданияти, урф-одатлари, анъаналар таъсирида бўлиб сайқаллашади, доимий равишдаги муносабат ва мулоқот туфайли халқларнинг турмуш тарзи ўзгаради. Инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда эришган ютуқлари ана шундан далолат бериб турибди».

Инсоният онги такомиллашуви, тафаккурларининг янгидан янги қирралари намоён бўлишида турли омиллар билан бир қаторда ҳар хил этник гуруҳлар ўртасидаги миллий ва маданий алоқалар катта рол уйнайди.

Маданиятларнинг ҳар хил соҳалари, уларнинг функциялари ҳақида анчагина илмий ишлар, диссертациялар ёзилган. Аммо улар орасида маданиятларнинг ўзаро таъсири муаммолари махсус тарзда ўрганилган эмас. Ваҳоланки, миллатлар орасидаги муносабатлар, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар, уларнинг натижалари доим тадқиқотчиларимиз диққат марказида бўлиб келган у, лекин монографик планда ёритиб берилмаган. Ўзбекистон тадқиқотчилари орасида миллатлар маданияти, уларнинг ўзаро таъсирлашуви, байналминаллик билан чугулланган олимлар проф. С.Ш. Шермухаммедов, проф. А.С. Ачилдиев, С. Отамуродовлар бу масалани ўз илмий асарларида кенг турда ёритиб берган.

Ҳар қандай миллат ўз маданий фаолиятини маълум бир ҳудудда бошлайди. Мазкур ҳудудда маданиятнинг бошлангиш маркази-ядроси ҳосил бўлади ва у узлуксиз горизонтал

ва вертикал ўлчамларда ҳаракатланади. Ижтимоий тараққиёт давомида бу ривожланишнинг темпи тезлашиб, унинг чегараси, перифериями кенгайиб бораверади. Шу билан бирга, ҳар хил элементлар жамланиб улар ўзига хос шаклларга эга бўлади. Бунақа шакллар такрорланмас, ўзига хос анъана, кадриятлар тизимида, ва урф одатларда намоён бўлади. Ҳар бир миллатнинг маданий ўзига хосликлари ва миллий анъаналари, уларнинг ўзаро таъсири натижасида адабиёт, санъат ва халқ огзаки ижоди намуналарида ўз аксини топади. Шунингдек, бунда географик муҳитнинг ҳам муайян даражада таъсири бўлади. Кўпинча, бундай ҳолларда бир-бирига яқин жойлашган миллатларнинг урф одатлари бир-бирига муштарак ва яқин бўлиб келади. Ҳозирги даврга келиб ўз ривожланиш погонасининг янгича замонавий босқичига кўтарилган жамиятнинг тарихий диалектик тараққиёти борган сари тез суръатлар билан ҳаракатланмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, биз тадқиқ қилаётган маданиятларнинг ўзаро таъсири ҳам ҳозирги даврга келиб антик, ўрта ва янги асрлардагига қараганда анча тезкорлик ва кенг қамровлилик касб этиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бу ҳақида проф. А.С. Ачилдиев «…сиёсий ҳодисалар, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, технологик янгиликларга бойлиги фан ва маданият алоқаларининг интенсивлик даражаси нуқтаи назаридан XX асрнинг сўнгги йиллари XIX асрнинг 10 йилига, антик ва ўрта асрларнинг 100 йилига, қадимий даврнинг 1000 йилига тенг бўлган» [5: 13], дея фикримизни исботлайди

Ривожланиш темпи тезкор суръатлар билан бораётган маданиятлар таъсирлашуви ҳақида замонавий давр маданиятшунослари анча чукур ёндашади. XIX-XX асрларда ўтган даврлардагига нисбатан маданиятларнинг ўзаро таъсирига оид жуда кўп тадқиқотлар ўтказилган, илмий рисолалар чоп этилган. Маданиятнинг чизиқли ривожланиши тарафдорлари маданият очиқ ҳолда тараққий этиб бораверади деса, айланма ривожланиш тарафдорлари маданият ёпиқ ҳолда тирик организм сингари ривожланади деган икки қарама-қарши тенденцияда баҳс мунозарали қарашлар тўқнашуви авж олди.

Маданият назарияси ҳақида батафсил фикр юритган рус файласуфи Данилевский (1822-1885) маданий тарихий типдаги, яъни аниқ тарихий даврда ўз имкониятларин намоён этадиган алоҳида маданият тушунчасига асос солди. Данилевскийнинг фикрича, маданиятлар бошидан оқ, бир-бирига душман, бундай ўзига хосликлар асосида у «халқ рухияти» ётганлигини таъкилдайди. [4: №3] Маданий тарихий тип қонуниятларининг бирида у шундай ёзади. «Битта маданий тарихий типнинг, цивилизациянинг бошланиши бошқа тип халқларига берилмайди, ҳар бир тип ўз анъаналарини ўтган ёки хозирги цивилизиацияларнинг ва ўзга маданиятларнинг озми, кўпми таъсири остида ўзи ишлаб чиқади» [3: 91]

Ўзга маданиятларнинг бунақа таъсирини Данилевский фақат «ерга ўгит» маъносидагина ишлатиш мумкин деб ҳисоблайди. Ҳар қанақа ўзга маънавий рухий таъсирини у сўзсиз ман этади. Демак, бу фикрларидан шуни англаш мумкинки, Данилевский маданиятлар таъсирлашувига ижобий ёндашмайди, маданиятнинг ёпиқ ривожланиш концепцияси тарафдори бўлиб, маданий ривожланиш тугилишдан ўлимгача бўлган фазаларни босиб ўтади дея Гердернинг айланма гоясига қўшилади.

Данилевский фикрича, тарихий-маданий типлар маданият бирликларининг умумийлик ривожидаги кўринишлари ҳисобланади. У барча халқларни учта синфга бўлган.

1. Буюк цивилизациялар ёки маданий-тарихий типлар яратган тарихнинг бирламчи ижодкорлари. Улар Миср, Ассирия-Бобил-Финикия-Халдей, Хитой, Хинд, Эрон, Яҳудий, Юнон, Рим, араб, Европа (романо- герман) цивилизациялари саналади.

2. Гуннлар, монголлар ва турклар сингари буюк цивилизациялар яратмаган тарихнинг салбий яратувчилари.

3. Ижодкорлик рухияти қанакадир сабаб билан ўз ривожланишининг дастлабки босқичида иркилиб қолган, шунинг учун ҳам улар тарихда ижодкорлар ёки салбий яратувчи куч бўла олмаган халқлар саналади. Улар ижодкор халқлар томонидан ўз цивилизацияларини бойитиш учун қулланилган этнографик материал хизматини ўтаб келган.

У маданий тарихий типдаги, ўзига хос маданиятлар классификациясини ишлаб чиқди. Аммо, маданиятни дунё қитъалари буйлаб географик тақсимланишини ман этади. Шунингдек, умумий тарихни эски, ўрта асрлик ва янги тарих дея чеклашга ҳам қарши чиқади. Бунақа танқидий фикрларни О. Шпенглер ҳам келтириб ўтганди. Олимлар фикрича, бунақа умумий тарихий ажратиш фақат Ғарб мамлакатлари мисолида олинган, бошқа ҳар бир халқнинг ўз қадимий, ўрта ва янги тарихи мавжуд. [3: 82]

«Халқлар тугилади, ўзларининг ҳар хил ривожланиш погонасига етилади, кексалик даврига келади ва ҳалок бўлади» [3: 74] дея ҳисоблаган Данилевский бу ҳалокатнинг асосий сабаби этиб ташқи таъсирларни атаб кўрсатади. Унингча, ташқи таъсирлар кучига чидаган маданиятгина ўз табийий ўлимига ёки кексалик даврига етиши мумкин. Данилевский ташқи таъсирларга чидамли халқлар орасида қаторида Хитойни алоҳида келтиради.

Маданиятлар бир бири билан таъсирлашмайди, улар нисбатан ёпиқ ҳолда бир биридан бегараз ривожланади, деган гоялари билан Освальд Шпенглер (1880-1936) маданиятнинг айланма гоясига қўшилади. Ғердер ва Данилевскийларнинг фикрларини маъқулаган ҳолда, маданият худди тирик организмга ўхшаб тугилиш, ривожланиш ва ҳалок бўлиш даврларини бошидан кечиради, [8: 75] дея таъкидлаб ўтади. Шпенглер маданият ривожига пессимистик нуқтаи назарда ёндашади. Бундай қарашларни унинг «Европанинг сўниши» асарида кўплаб учратиш мумкин. Европа халқларининг маданияти ўзининг тараққиётидан кейинги ҳалокат даврини бошдан кечирмоқда, дея бу маданиятлар келажагига ишончсизлик билан қарайди. Олимнинг фикрича келтириб ўтган маданиятнинг кетма-кет келадиган фазалари даврида уларнинг бир-бирига таъсир этиши мумкин эмас. Яъни, «ҳар бир маданият фақат ўз доирасида харакатланади, ва бошқаларга ўз ютуқларини бериши мумкин эмас».

«Маданият инсониятнинг абадий-болалик ҳолати, илк бор руҳияти катта руҳиятга айланган дақиқада вужудга келади, шаклсизликдан шаклга кирганда, чексизликдан чеклиликка, муқимликдан ўткинчиликка ўтилганда маданият дунёга келади. У қатьий чегараланган заминда ривожланади, худди, ўсимлик ўз ўрнига маҳкам ўрнашиб олганидек. Маданият ўз имкониятларини халқи, тили, эътиқоди, санъати, давлати ва фани орқали тўла амалга оширганидан сўнг ҳалокатга юз тутади ва дастлабки рухий стихиясига қайтади» [8: 113].

Освальд Шпенглер цивилизацияни маданият ривожланишининг охирги, учинчи, сунъий даври дея таърифлайди. «Мазмунсизлик зоология ҳукмронлик қила бошлайди, ҳамма нарсага бефарқлик бошланади. Маданий организм тарихий ҳодиса сифатида ўлади. Лекин, бу ҳамма инсон ўлиб кетишини англатмайди, балки улар биологик мавжудот сифатида яшайди» [8: 115]. Демак, унинг фикрича, тараққиётнинг юқори етук босқичи маънавиятнинг сусайишига олиб келади. Ҳаётнинг моддий ташқи томонлари ички маънивий рухиятни бошқариб боради. Шпенглер фикрича ҳар бир маданият даври 1000 йилни ташкил қилиб, охирги сунъий даври 200-300 йилда цивилизация ҳукм суради.

Шпенглернинг маданият даврийлиги хусусидаги гоясини кейинчалик инглиз файласуфи Арнольд Тойнби ривожлантирди. У асосан цивилизация шаклланиши ва ривожланиши учун тарихий даврларнинг «Чақирув ва Жавоб» даврини белгилаб кўрсатади. Чақирув бўлмаса Жавоб булмайди, натижада цивилизация тараққий этмайди. Дунёвий тарих алоҳида мустақил цивилизациялар тарихидан иборат. Цивилизациялар эса алоҳида ўзига хос «маданий тарихий монадалар», яъни автоном маданий тузилмалардир [7: 48].

Шпенглердан фарқли ўлароқ Тойнби, маданиятлараро муносабатларни узил-кесил ман қилмайди, маданият худди тирик организм каби ёнма-ён яшаши ва шу орқали ўзини намойиш этиши мумкин, «...уларнинг бараварлиги ва тенг ҳуқуқлилигини худди бир қатор яшаётган организмлар каби ўрганса бўлади, қачон икки ва унданда кўпроқ цивилизациялар ўзаро мулокотга киришса, улар кўпроқ турли потенциал кучларга, одамзод табиатига хос бўлган ўз афзалликларини, устунликларини ишлатишга эга бўлишади. Шундай экан, цивилизация ўз сифатларини, устунликларини ўз қушнилари туфайли англаб етади». [7: 90] дея ўзаро таъсир мавжудлигини тан олади. Тойнбининг таъкидлашича, локал цивилизациялар йигирмадан

кўпроқ маданий циклни ўз ичига олади. Маданиятлар бир бирига таниш кўринади, аммо барчаси бирхил таъсирга эга эмас. Масалан,эллин маданияти гарбий христиан халқларига, кейинироқ эса, ҳинд, хитой ва бошқа маданиятларга таъсир кўрсатди.

XXI асрда яшаган рус файласуфи Николай Бердяевнинг (1874–1936) маданият ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини талқин қилар эканмиз, у ҳам маданиятнинг айланма гояси тарафдори эканлигининг гувоҳи бўламиз. У Шпенглернинг маданият ҳалокати, яъни маънавий ҳаётнинг қашшоқлашуви, бу цивилизация даврининг бошланиши саналади, деган фикрларини тўлалигича қўллаб қувватлайди.

Бердяев асосан Россия ва Европа халқларининг қадимдан келаётган ўзаро алоқалари туфайли, рус файласуфлари ушбу халқларнинг маданият ва цивилизация типлари орасидаги фарқлар билан аллақачон таниш ва муайян билимларга эга бўлганлигини таъкидлаб, мазкур халқларнинг аввалдан ижтимоий, иқтисодий муносабатлар юргазиб келганлигини билдириб ўтади.

Унинг фикрича қадимий Европа ўз ўтмишини ўзгартирмоқда. Динсиз, тор қарашдаги маданият уларнинг эски диний маданияти устидан галаба қозонди. Россия ва Европа, Шарқ ва Ғарб ўртасида рухият билан виждонсизликнинг, диний-маънавий маданият ва динсиз цивилизациянинг кураши кучаймоқда [2: 162].

У цивилизацияни маънавиятнинг тугаши деб тушунади ва бундан иложи борича йироқлашиш керек деган тушунчалар остида славян файласуфларининг асосан европача маданиятига эмас, европача цивилизациясига салбий қарашда бўлганлигини таъкидлайди.

«Ишонч билан айтиш лозимки, Россия халқи цивилизация йулидан бормайди, унинг ўз йули ўз тақдири бор, фақат Россия маданиятигина диний асосланган чуқур маънавий маданиятга эгадир. Рус тафаккури гоят катта маънавий илдизларга бой ва бу ҳали ҳам ўз кучини йуқотмаган» [3: 84]. Бу ўринда беихтиёр Платон ва Аристотелнинг юнонлар ҳақидаги этноцентристик қарашларини эслашимиз мумкин.

Бердяев цивилизация феномени ҳақида фикр юритар экан, буюк «ҳаётдан» роҳатланишга, «ҳаёт» устидан ҳукм ўтказишга деган истак тугилганда, маданиятнинг инқирози келиб чиқади ва цивилизация бошланади, аксинча «ҳаётга» бўлган истакнинг чекланиши эса маданиятнинг юксалиш даврида юз берадиган жараёндир. Бошқа ёпиқ тенденция тарафдорларидан фарқли равишда у маданиятлар таъсирлашувига ижобий баҳосини беради. «Икки кишида биттадан олма бўлиб, улар алмашсалар, уларнинг ҳар бирида биттадан олма бўлади. Аммо, икки кишида биттадан гоя бўлиб, улар алмашганида эса, уларнинг ҳар бирида иккитадан гоя бўлади» [1: 354].

Замонавий маданиятшунос олимлар орасида машҳур рус теоретиги М.М. Бахтиннинг (1895–1975) илмий асарларида маданиятлар таъсирлашуви, маданиятлар диалогига методологик анализ бироз чуқурроқ муҳокама этилади. Бахтин фикрича, маданиятларнинг бир-бирига бўлган қизиқиши натижасида диалог юзага келади. Маданиятлар диалоги эса бу ўзаро таъсирга, ўзаро бойиш ва элементларнинг бир-бирига сингишишга бўлган эҳтиёж саналади. Ҳар бир маданият фақат бошқа маданиятлардан сўраниб яшайди. Маданият ривожидаги буюк жараёнлар фақат турли хил маданиятлар диалогида, фақат уларнинг кесилиш нуқталаридагина амалга оширилади, дея Бахтин маданият соҳасидаги буюк янгиликлар ва кашфиётлар вужудга келишида диалог ва ўзаро таъсирнинг аҳамиятини келтириб ўтади.

«Маданият фақат ўзга маданиятнинг кўз ўнгидагина ўзини тўлароқ, чуқурроқ намоён этади.., ўз имкониятларини бекитаётган маданий мазмун ўзга мазмун билан учрашади ва улар орасида бир томонламалик ва маҳдудликни енгиб чиққан диалог бошланади…, Биз ўзга маданиятга хали ўзига ўзи қуймаган саволларни берамиз, ва биз бу саволларимизга жавоб излаймиз, ёт маданият кўз ўнгимизда ўзининг янги қирраларини, янги чуқур мазмунини намоён этган ҳолда бизга жавоб қайтаради» [14: 360]. Бахтин маданиятлар аро алоқаларда ўзаро миллий тушунчаларнинг мос келишини белгилайди. Зеро халқларнинг нарса ва ҳодисаларга бўлган тушунчалари яқин бўлмаса бу жараён гоят қийин кечади. Унинг фикрича, маданиятлар, миллатлар ва халқларнинг юз йиллик ва минг йиллик тарихи бутун инсониятнинг мураккаб

бирлиги саналади.

Бахтин маданиятлар диалогининг илмий классификацияларга ажратар экан, қуйидаги натижаларга келади.

1. Маданиятлар диалогида синтез, яъни, ҳар хил тафаккурлар ва позицияларнинг умумийликка жипслашиши юз беради.

2. Иккала маданиятнинг диалоглик учрашувида улар бирикмайди, аралашмайди, аммо, ҳар бири ўз бирлигини ва яхлитлигини сақлаб қолади аммо, улар ўзаро бойийди.

3. Ушбу диалог жараёни иштирокчилари бир-бирларининг ўзига хос принципиал фарқларини тушунишга ҳаракат қилади [14: 335]. Бу фикрлари билан Бахтин маданий таъсирлашувнинг натижаларининг ижобий ривожланишидан дарак беришини таъкидлайди.

Бахтиннинг фикрларини ривожлантирган ҳолда, замонавий маданиятшунос олим, рус файласуфи Сагатовский юқоридаги фикрларни тўликтиради. «Иттифоқ юз бермади, позициялар эса бирикмади, фақат принципиал қизиқишлар юзага келди. Айрим диалогларга қадриятларнинг ҳартомонлама миллий системалари тўсиқ бўлади, бу албатта диалог жараёнини мураккаблаштиради ва айрим маданиятлар бир-биридан айланиб ўтиб ноилож бошқа маданиятлар билан алоқага кириша бошлайди» [7: 241] дея миллатларнинг миллий маданий мерос анъаналари ва умуминсоний мезонлари ҳам бир-бирига мос келиши кераклигини ҳам келтиради.

Фалсафий маданий йуналишда олиб борган тадқиқотларда маданиятлар таъсирлашувининг умумий конуниятлари, халқлар ўртасидаги дўстлик, хамкорлик, тинчлик тамойиллари билан белгиланиши билдирилади. Цивилизацион асрнинг маданиятшунос олимлари маданиятнинг очиқ, чизиқли ривожланиш тенденцияси буйича тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу борада М.Бубер, К.Леви Стросс, С.Артановский, С.Артюнов, Н.С.Гордиенко, Ортега и Гассет, В.М.Межуевлар номи эътиборга лойиқдир. Уларнинг асарларида маданиятлар таъсирлашуви биринчидан ўзига хос маданий бойлик яратишнинг асосий сабаби сифатида қаралади, иккинчидан инсон тафаккури билан яратилган маҳсули маданиятлар таъсирлашуви орқали оммага тарқалиши, учинчидан ҳар бир миллат, халқнинг бир-биридан маданий ютуқ намуналарини алмашиши, борлиқни ўзгартиришга интилиши маданий ҳаётга динамик хусусият бахш этади, маданиятлар таъсирлашар экан, этнослар маданияти бойиб, ривожланиб боради деган фикр илгари сурилади.

Маданиятлардаги анъанавийлик, тарихийлик, оммавийлик ундаги ядрони миллий белги хусусият сифатида асрашга интилса, замонавийлик маданият перифериясини кенгайтиришга, диффузияни кучлироқ амалга оширишга, интеграцион ва инновацион мойилликни такомиллаштиршга замин яратиб, анъанавийликни ўзгартиришга ҳаракат этади. Халқлар ўртасидаги интеграцион алоқалар, ҳар бир давлатда дўстлик, ҳамкорлик, тинчликни таъминлашда асосий омил бўлишини, шу сабаб маданиятлар алоқаларини бир бутун тизим сифатида талқин қилиш лозимлиги ёритилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ***Бахтин М.М.*** Эстетика словесного творчества. – М.: 1986.
2. ***Бердяев Н.*** Смысл истории. – М.: Сов. писатель, 1990.
3. ***Бердяев Н.*** Судьба России. – М.: Мысль., 1990.
4. ***Данилевский Н.В.*** Россия и Европа. –М: Книга, 1991.
5. ***Кокшаров В. Н.*** Взаимодействие культур: диалог культур [Электронный ресурс] // CREDO NEW: теоретический журнал. 2003. № 3. URL: http://credonew.ru/content/view/352/28/
6. ***Очилдиев А.С.*** Маданият фалсафаси. Т.: Муҳаррир нашриёти, 2010.
7. ***Сагатовский В.Н.*** Диалог культур и «русская идея» // Возрождение культуры Росси. Диалог культтур и межнациональные отношения Вып. М. – Спб., 1996.
8. ***Тойнби А.*** Постижение истории. – М.: 1991.
9. ***Шпенглер О.*** Закат Европы: очерки морфологии и мировой истории. – М.: 1993.